Сегодня у нас есть все необходимое, чтобы занятия по общественно-политической подготовке проводились на высоком содержательном и методическом уровне, что наглядно показали результаты контрольных занятий в частях, где командирами полковник Ш. Хусаинов, подполковники Р. Айсаходжаев, С. Фозылов, Г. Джуманиязов, майоры А. Комилов, Р. Дадабаев и Э. Хайруллаев.

Вместе с тем, отмечая успехи в группах рядового и сержантского состава, мы должны проявить озабоченность недооценкой роли военнослужащих по контракту. Подготовка и воспитание сержантов-профессионалов нового типа, обладающих высоким патриотизмом, профессионализмом, качествами лидеров, сегодня является важнейшим делом. Вместе с тем, в целом ряде частей мы видим, что общественно-политическая подготовка с этой категорией военнослужащих пущена на самотек, а их уровень знаний оценивается только удовлетворительно.

Недостаточная воспитательная работа с офицерским составом и военнослужащими по контракту становится негативным фактором в общей системе мер по укреплению воинской дисциплины и правопорядка. Пока мы кардинальным образом не решим проблему обеспечения личной примерности указанных категорий военнослужащих в службе и дисциплине, о глубоких и положительных сдвигах в воспитательной работе не может быть и речи. Обучение и воспитание офицеров и военнослужащих по контракту, забота об их состоянии здоровья, питании и быте, их семейные проблемы не должны быть на втором плане у командиров и начальников.

По сравнению с соответствующим периодом прошлого года, в ряде частей Министерства обороны произошло увеличение числа правонарушений, причем, особую озабоченность вызывает рост преступлений, связанных с различного рода хищениями, халатностью и безответственностью должностных лиц. В некоторых частях плохо организована работа по контролю за доведением до личного состава положенных норм довольствия, за хозяйственной деятельностью служб тыла, за наличием и качественным состоянием материальных средств на складах и в подразделениях. Все это прямо способствует хищениям и кражам.

Сегодня, когда развернулась беспрецедентная по размаху и накалу борьба за умы и сердца людей, задача духовно-нравственного воспитания личного состава на основе идеологии национальной независимости и противодействия идеям религиозного экстремизма приобретает решающее значение. Выиграть эту битву мы сможем, только вооружив офицеров и сержантов действенными формами и методами практической работы по воспитанию личного состава, укреплению воинской дисциплины.

В ходе заседания Военной коллегии с докладами о состоянии соблюдения законности в частях и учреждениях Министерства обороны выступили заместитель Генерального прокурора Республики Узбекистан — Военный прокурор Вооруженных Сил полковник юстиции Б. Дехконов и заместитель председателя Верховного Суда Республики Узбекистан — председатель Военной коллегии Верховного Суда полковник юстиции С. Кадыров.

В числе выступивших на заседании Военной коллегии Министерства обороны: командир части подполковник М. Байбусов, начальник штаба части майор А. Алижанов, начальник отдела воспитательной работы подполковник В. Яцков, командир части подполковник М. Сапаров, заместитель Министра обороны по тылу и капитальному строительству И. Юсупов, начальник квартирно-эксплуатационного управления Министерства обороны подполковник М. Саткулов, начальник главного управления вооружения Министерства обороны полковник И. Шайхутдинов.

Задачи по дальнейшему совершенствованию боевой и общественно-политической подготовки войск на летний период обучения 2001 года участникам заседания поставил Министр обороны Республики Узбекистан К. Гуламов.

«Летний период обучения, — сказал Министр обороны, — должен стать очередным этапом реформирования нашей армии, проводимого под руководством Президента Республики Узбекистан — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. А. Каримова. Необходимо на самом высоком организационном и методическом уровне провести все запланированные учения и учебные занятия.

На командно-штабных учениях, тренировках, летучках, командирских занятиях руководителям необходимо в полной мере использовать опыт, приобретенный в ходе отражения агрессивных действий банд-формирований в Сурхандарьинском и Ташкентском вилоятах.

Занятиям по командирской подготовке следует придать большую практическую направленность, совершенствовать методику их проведения. Командир части, подразделения должен быть в достаточной степени компетентным, чтобы оценить работу всех своих подчиненных, целесообразность предлагаемых ими мер.

В подразделениях большую часть учебного времени необходимо уделить одиночной подготовке солдат и сержантов, слаживанию групп, действиям в горной местности, в ночное время, преимущественно в отрыве от основных сил. Основной формой тактической и тактико-специальной подготовки считать тактико-строевое занятие: лучше обучать личный состав действиям в различных условиях современного боя.

В числе основных задач воспитательной работы необходимо считать глубокое разъяснение личному составу военно-политической обстановки в регионе, угроз национальной безопасности Узбекистана, агрессивной сущности р[illegible]ного экстремизма, формирования у военнослужащих высокой бдительности, личной ответственности за защиту Родины, готовность профессионально выполнить свой конституционный долг перед народом.

В вопросах обеспечения необходимо наладить самый жесткий контроль как за законностью расходования выделяемых материальных ресурсов и средств, так и за соблюдением правил их использования. Если хоть одна часть не обеспечена всем положенным имуществом, работа тыла Министерства обороны, тыла округа не может быть признана удовлетворительной. Если в батальоне хоть один человек не обеспечен положенными нормами довольствия, работу его службы тыла также нельзя считать удовлетворительной.

Прошу всех участников Военной коллегии, — закончил свое выступление Министр обороны, — не забывать о необходимости постоянной, всесторонней заботы о личном составе, о каждом человеке. Успех всех наших начинаний, всех действий зависит, прежде всего, от уровня обученности, обеспеченности, дисциплинированности и морально-психологического состояния каждого военнослужащего. Командиры и руководители должны помнить об этом».

По обсуждаемым вопросам принято постановление Военной коллегии, выполнение которого должно стать первостепенной задачей всех органов управления, командиров всех степеней в летнем периоде обучения.

В завершение заседания Военной коллегии был зачитан приказ Министра обороны о поощрении военнослужащих, добившихся успехов в боевой и общественно-политической подготовке, внесших большой вклад в дело повышения обороноспособности государства. Воинское звание «подполковник» досрочно присвоено командиру части майору А. Комилову, «майор» — командиру учебного батальона капитану У. Мамасаидову, «капитан» — старшим лейтенантам Р. Норматову, Х. Тоджиеву, Ф. Игамбердиеву и Х. Ахмадалиеву, «старший лейтенант» — лейтенантам К. Рахманкулову и А. Каримову. Ряд военнослужащих были поощрены денежными премиями, ценными подарками и грамотами.

Подполковник В. КАЛОШИН.

● ЗАЩИТНИК РОДИНЫ — ЗАЩИТНИК ПРИРОДЫ

И КРОВ, И ПИЩА, И ТЕНЬ

Фонд зеленых насаждений города, кишлака, воинской части — залог здоровья живущих, работающих и проходящих службу в них людей.

Лес является источником ценного материала — древесины, а также других очень важных материалов и продуктов, средой для обитания животных. Он поддерживает гидрологический режим рек, предупреждает водную и ветровую эрозию почв, служит активным агентом в регулировании кислородного баланса в атмосфере.

Лес имеет огромное санитарно-гигиеническое и целебное значение. Он благоприятствует отрицательной ионизации воздуха и выделению растениями летучих веществ — фитонцидов, способных убивать вредные микроорганизмы. Велико и эстетическое значение леса.

Большую роль играет лес в рекультивации земель. Огромные участки земель, превращенные в отвалы (например, после добычи угля открытым способом), могут быть вновь восстановлены, рекультивированы. С этой целью холмы разравнивают и высаживают на них деревья.

Оказывая положительное влияние на внешнюю среду и улучшение условий жизни человека, лес сам нуждается в защите. Так, вследствие вырубки леса зеленый покров планеты непрерывно сокращается. Леса вырубаются несравненно больше, чем воспроизводятся. А это неминуемо приводит к тому, что все меньше остается преград на пути опустынивания, засоления почв, селей и лавин, загрязнения воздуха.

Издревле на Востоке отношение к дереву было священно. Это выражено и в известной поговорке о смысле жизни — «Человек за свою жизнь должен посадить дерево, построить дом, вырастить сына». Дерево дает человеку кров, пищу, тень — что особенно ценно в условиях жаркого климата, а также свежий воздух, чтобы сын вырос здоровым и сильным.

Каждый военнослужащий должен беречь зеленые насаждения, предотвращать незаконную вырубку деревьев и кустарников, а также принимать участие в восстановлении и приумножении лесного фонда Республики Узбекистан.

Капитан Ю. ТЕМНИКОВ.

● ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

УМУМЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИК ТАШКИЛОТИ

Кўпчилигимиз об-ҳаво ҳақидаги маълумотга қараб, ишга, сафарга отланишга одатланиб қолганмиз. Бугунги кунда фан-техника шу даражада ривожланганки, ҳатто бир ой олдиндан об-ҳаво маълумотларидан мутахассислар сизни воқиф этишлари мумкин. Маълумки, буни метеорологик марказлар амалга оширади. Гап шулар борасида кетаётган экан, билингки, бу борадаги халқаро ташкилот ҳақида сизга маълумот берамиз. У Умумжаҳон метеорологик ташкилоти деб номланади. Ёки уни қисқартирган ҳолатда УМТ дея атай қолайлик.

Мазкур ташкилот БМТнинг ихтисослашган муассасаларидан бири бўлиб, 1951 йилда асос солинган. УМТ атмосферанинг аҳволи, ер шаридаги сув захиралари ва иқлимий шарт-шароитлар борасида муҳим илмий ахборотлар билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таъмин этиб келади. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилот жойларда об-ҳаво хизмати, мавсумий прогнозлаш тараққий этиши учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, халқаро ҳамкорликларни йўлга қўяди. Об-ҳаво борасидаги ахборотларнинг тез алмашинувида, гидрологик ишларининг амалиётида кўмаклашади.

УМТ бир қатор муҳим дастурларни амалга ошириб келмоқда. «Умумжаҳон об-ҳаво хизмати», «Дунё иқлими», «Атмосфера ва атроф-муҳит тадқиқоти», «Метеорологиядан амалда фойдаланиш», «Гидрология ва сув ресурслари», «Профессионал тайёргарлик ва таълим», «Техникавий ҳамкорлик» каби дастурлар шулар жумласидандир.

Ҳўш, бу дастурларнинг вазифаси, мазмун-моҳияти нимада, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Айтиш лозимки, мазкур дастурлар ноқулай об-ҳавонинг, тропик циклонлар, довул, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатларнинг кутилиши борасида огоҳлантириб, унга юксак тайёргарлик кўришга асос бўлади. Қарабсизки, бу билан ҳам инсонларнинг ҳаёти, мулки асраб қолинади, ҳам атроф-муҳит ва иқлимни чуқур ўрганишга ёрдам берилади.

Бугунги кунда УМТ асосий эътиборини глобал муаммолардан бири бўлган азон қатламининг юпқаланишига қаратган. Айни пайтда халқаро ташкилотга 185 та давлат аъзо бўлиб кирган. Аъзо мамлакатларнинг барчасида метеорологик ва гидрологик хизматлар мавжуд.

УМТнинг бошқарув органи — Умумжаҳон метеорологик конгресси ҳисобланиб, у ҳар 4 йилда бир бора чақирилади. 36 аъзодан иборат бўлган ижроия кенгаши эса ҳар йили йиғилишади. 1996-1999 йилларда мазкур халқаро ташкилотнинг бюджети 177 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Умумжаҳон метеорологик ташкилотининг штаб-квартираси Женевада жойлашган. Бош котиби эса нигериялик Г. Обаси ҳисобланади.

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

Раҳматли бобом сўзлаб берган воқеаларни ўғлимга айтсам, уни мисоли бир чўпчак деб ўйлаши турган гап. Ҳатто «қатағон» сўзининг моҳиятини тушунтиришга ҳам ўнча-мунча ваъз ўқишим керак. Нега, нима учун дея ҳадеб саволга тутаверади-да. Бир ҳисобдан шуниси ҳам яхши. Фақат тасаввури кенгликларида яшайди тарихнинг бу қора кўланкалари. Ҳа, бугунги авлод чин маънода бахтли. Ҳур, мустақил Ватанда яшамоқда. Буюк аждодлари билан фахрланишга, илм олиб, улар етолмаган чўққилар сари қадам ташлашга ҳаққи бор. Аммо унутмасликлари керак. Бу ёруғ кунлар йўлида не-не боболаримиз шаҳид кетишган. Президентимизнинг жорий йилнинг 1 майида «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони шу маънода улкан бир воқелик бўлди.

Мустабид тузумнинг қатағон зулмини, инсонга нисбатан қўлланилган геноцидининг қулоқлаштириш сиёсати мисолидаги башарасини бир сидра кўриб ўтиб, фикримизни давом эттирсак. Ўтмишнинг бу чиркин даврини эсга олганимда, нуқул бобом сўзлаган воқеалар кўз олдимдан ўтаверади. Мана улардан бири. Ўртаҳол деҳқон кишининг уйида гилами бор экан. Ундан ҳабар топган шўро малайлари «Сеники, меники деган гап йўқ. Фақат жамоатчилик, халқ мулки бўлиши мумкин. Гиламингни парад ўтказиладиган майдонга осишимиз керак», дейишибди. Хуллас, уйидаги шу ягона бойлик, отамерос гиламни бермагани учун ҳалиги деҳқон халқ душмани сифатида қулоқ қилинган.

Жорий йилда тарихчи олим Рустамбек Шамсутдиновнинг «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» номли китоби нашрдан чиқди. Тақдимот маросимида олим бу ҳали кенг тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзу эканлигини таъкидлади. Билиб турибман, «арзимаган гиламни деб душман тамғаси ёпиштирилганми?», дея ишонқирамай турибсиз. Тарихчининг архивлардан ўрганиб, китобига киритган фактлари эса бундан-да аянчли. Масалан, Бешариқ туман Рапқон қишлоғида яшаган чойхоначи Абдуназар Бегматовни олайлик. Архив маълумотларидан ойдинлашишича, у мажбуриятидаги пахтанинг 24 килограммини топшира олмагани учун сургун қилинган. Ёки солиқни ўз вақтида тўламаган Тоштемир Исматуллаевга қулоқ деган тамға ёпиштирилиб, мол-мулки мусодара қилинган. Ўзи эса республикадан ташқарига сургун қилинган. Бу Фарғонада бўлган воқеалар. Муаллифнинг келтиришича, мазкур ҳудудда 1930 йилнинг 25 февралидан 5 мартигача 667 та хўжаликка жазо чоралари қўлланилган. Яъни, улардан 6 таси Ўрта Осиёдан ташқарига, 110 таси республикадан ташқарига, 97 таси округдан, 7 таси тумандан ташқарига сургун қилинган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1930 йилда Ўзбекистонда 40 мингга яқин деҳқон хўжалиги қулоқ сифатида ҳибсга олиниб, Украина, Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиёнинг чўл ҳудудларига бадарға этилган.

Бежиз «қулоқлаштириш» сиёсатидан сўз очмадик. Маълумки, мустабид тузумнинг қатағон дея номланувчи бешафқат машинаси айнан ана шу сиёсатдан бошлаб одамларни ямлай бошлаган. Унинг қурбонларининг эса аниқ саноғини билмаймиз. Шуни биламизки, қатағон бу мустамлакачилик ва истибдод даврида халқимиз, миллатимизга қарши олиб борилган зулмнинг, зўравонлик сиёсатининг мевасидир.

Қулоқлаштиришнинг дахшатли манзараси статистика тилига кўчганида янада яққол намоён бўлади. Яъни, демографик, туғилиш ва ўлим маълумотлари билан муқояса этсак, 1932 йилда қулоқлар сургунида туғилишга нисбатан ўлим 5 баравар кўп бўлган. Бу ўртача кўрсаткич, холос. Дейлик, Шимолий Қозоғистонда 14,5 марта, Бошқирдистонда 10,4 марта, Ўрта Осиёда 8,3 марта, Ўрта Волгада 7,6 марта ўлим кўп бўлганлигини кўриш мумкин. 1933 йилги, очарчилик авжига минган пайтдаги манзара янада аянчли. Бунда ўлим 8,9 марта кўп бўлган экан. Хусусан, Шимолий Кавказда 20,8 Шимолий Қозоғистонда 19,1, Украинада 16,7, Ўрта Волгада 16,6, Ўрта Осиёда 14,4, Уралда 13,1 марта кўп ўлим бўлган.

«Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди» дейилади «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур Фармон халқимизнинг одамийлигини, ўтганлар хотирасини доимо азиз сақлашини яна бир бор кўрсатиб берди. Ҳа, тарихий адолат тикланаётган бугунги кунда бу биз учун янада муҳим.

Юнусободдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилган кишини аллақандай маъюслик, аллақандай мискинлик таъқиб этиши турган гап. Гўё, гойибдан бир садо келаётгандек: «Қўй авайлабким қадам бу ерда инсонлар ётур, эл учун жонини тиккан марду майдонлар ётур».

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТИКЛАНМОҚДА

Экономика. Наука. Техника

МИКРОБ БОИТСЯ ТЕМНОЙ КОЖИ

Смуглая кожа лучше защищает от микробов — к такому выводу пришел австралийский исследователь Джеймс Макинтош. Как он полагает, пигмент меланин, который определяет цвет кожи, способен захватывать и уничтожать микроорганизмы, проникающие через кожный покров. Возможно, темная кожа коренных обитателей южных стран и обусловлена распространенностью там инфекционных болезней. Известно, что темная кожа характерна для людей, живущих в южных странах, и для многих животных юга. Классическим объяснением этого феномена служит то, что меланин защищает от ультрафиолетовых лучей и, следовательно, снижает вероятность рака кожи. Ученый приводит статистику, полученную во время войны во Вьетнаме. Оказывается, у белых американских солдат стрептококковые поражения кожи отмечались в три раза чаще, чем у выходцев с африканского континента.

УСИШ ЎРНИГА

Сайёрамиз аҳолиси сонининг ўсиши ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига амалга ошмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, иқтисодий тараққиёти юқори бўлган давлатларда аҳоли сони ўсиш ўрнига турғун даражада сақланиб турибди ёки камайиб бормоқда.

ЕСТЬ МЯСО ИЛЬ НЕ ЕСТЬ?

Кевин Гоулд из английского университета занимается изучением запахов человеческого тела. Он может, нюхнув незнакомца, с легкостью определить, из какой части Великобритании тот приехал. По его утверждению, шотландцы пахнут козлом, ирландцы — капустой, жители Эссекса — рыбой, а обитатели Уэльса — тухлыми яйцами. «Жители столицы, — пишет он, — ничем определенным не пахнут, поскольку их меню крайне разнообразно». По теории Гоулда, источаемый человеком запах целиком и полностью зависит от диеты, которой тот придерживается. Мясо, специи, молочные продукты не слишком способствуют телесным ароматам. Чтобы не слишком распугивать окружающих своим амбре, доктор советует налегать на ананасы, клубнику, манго, персики, чернослив и курагу.

ИЕННИНГ ҚАДРИ ОШМОҚДА

Токио фонд биржасида акциялар нархи яна пастлай бошлади. Мамлакатдаги 225 катта компаниянинг қимматбаҳо қоғозлари баҳосини белгиловчи «Никкэй» кўрсаткичи пайшанба куни 2 фоиз арзонлашди. Айниқса, электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Сони», «Кэнон» ва «Эн-и-си» концернларининг қимматбаҳо қоғозлари анчагина қадрсизланди. Сўнгги кунларда иеннинг АҚШ долларига нисбатан қадри ошгани сабабли Япония компаниялариннинг экспорти қимматлашиб кетмоқда. Акциялар арзонлашувининг бош сабаби ҳам шунда.

(По материалам печати).

ҲУНАРМАНДЛАР ГРАНТ ОЛДИ

«Ҳунарманд» республика уюшмасининг Шаҳрисабздаги туманлараро бўлими Япония элчихонасининг 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди. Бўлим раҳбари Гулнора Одилованинг айтишича, ушбу грант ҳисобига Шаҳрисабзда халқ амалий санъати галереяси ташкил этилади. Шунингдек, грант маблағидан воҳада заргарлик, кандакорлик каби энг қадимий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклаш мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Айни пайтда мазкур уюшма бўлими қатор хорижий ҳамкорлар билан яхши алоқа ўрнатган. Бўлим шартнома асосида чет элга миллий каштачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

(ЎзА).

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ФИРЪАВН ХЕОПС, СИРИНГНИ ОЧ!

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган Миср эҳромлари доимо инсоният эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Фиръавнлар юртида қад кўтарган эҳромлар ақлий тараққиётнинг юқори чўққисига эришган аждодимиз ҳали ҳамон барча сир-синоатини очганича йўқ. Олимлар ҳам неча йиллардан буён Миср эҳромларини тадқиқ этишдан тўхтамаган.

Франциялик бир гуруҳ археологлар ўн икки йилдан зиёд вақт мобайнида Миср эҳромларидан бирини ўрганмоқда. Улар Хеопснинг минглаб йиллар давомида сақланиб келаётган сирини очмоқчи. Айни пайтда олимлар эҳром ичида яширин хоналар ва улардан бирида фиръавн Хеопс ҳамда оиласининг мўмиёланган жасади бўлиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Албатта, бунга ўзига хос асослар бор. Эҳромдаги йўлаклар деворлари инфрақизил нурлар ёрдамида текширилгач, тадқиқотчилар тошлар орасида махфий йўллар мавжуд деган хулосага келди. Яна бир синоат шундаки, бу йўллар нафақат ёнга, балки юқорига ҳам йўналган. Улар эҳром ичидаги яширин хоналарга кириш имконини беради, демоқда олимлар.

Агарда археологлар махфий хоналарни топса, унда қадимги Миср илм-фани ва маданиятининг янгидан-янги сирлари очилади. Айниқса, ушбу яширин хоналардан фиръавн Хеопс жасади чиқса, инсоният ниҳоят бу баҳайбат ёдгорликнинг асосий сиридан бохабар бўлади.

Француз олимларининг айтган Хеопс эҳроми сирини очишдек ишга қўл урганига ва мақсадга эришишини ишонч билан таъкидлашига замин бўладиган омиллар бор. Бугунги кунда Хеопс эҳроми эрамиздан аввалги 1800 йилда папирусга ёзилган маълумотларга асосланган ҳолда ўрганилаётир. Папирусдаги битикда Миср нинг энг буюк фиръавнларидан бири бўлган Хеопс эҳромида очиқ жой ва майдонлардан ташқари яширин хоналар бор. дейилган. Бу хоналарда турли мўмиёлар ва фиръавнларнинг катта миқдордаги бойлиги яширилгани ҳам ёзиб қолдирилган. Бироқ яширин хоналар ва махфий йўлаклар топилган тақдирда ҳам, у ердан ҳеч нима чиқмаслиги мумкин. Эҳромлардаги қабрлардан бири очилганда ҳам шундай бўлган эди.

Тадқиқотчиларнинг эҳром сирини очишга иштиёқи жуда баланд. Бугунги кунгача улар замонавий техника ёрдамида тошларни арралаб, махфий хоналарни топишга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ замонавий усуллар ҳам олти метр қалинликдаги тошлардан иборат тўсиқларни бартараф этиш имконини бермади. Энди тадқиқотчилар олдида анъанавий бир йўл қолди. Улар қадимий қабрларга элитувчи йўлларни очиш имконини берадиган бир неча иероглифларни ўрганиб чиқди. Маълумотларга қараганда, ушбу иероглифлардан фақат биттасигина қадимий қабрларга олиб борадиган йўлни очувчи калит ҳисобланади. Агар ана шу калит топилса, яширин хонадан Хеопс ёки оиласининг жасадидан ташқари, дафн маросимида ишлатилган баъзи ашёлар ҳам чиқиши мумкин. Бу оламшумул янгилик бўлади.

Буларнинг барчаси ҳозирча башорат, холос. Бу ёғига изланишларнинг асосий қисмита ўтиш ва топилмаларни қўлга киритиш учун Миср ҳукуматидан расмий равишда рухсат олиниши лозим. Шундан сўнггина энг катта эҳромнинг сиридан инсониятни воқиф этиш йўлида тадқиқотларни янада кенг кўламда давом эттириш мумкин.

З. ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

● СОҒЛИГИМ-БОЙЛИГИМ!

Кўзингизга нур бўлиш—бахтим

Кўзингизни бир зумга юмиб туринг-а. Қанча чидай олар экансиз? Бир дақиқа ичида олам зулматга чўлғанади, гўё. Дарҳол очиб юборасиз. Ҳа, сизда кўзни очиш, ёруғ жаҳонни бор гўзаллиги билан кўриш имконияти бор. Агар бу имконият қора парда ортида кўринсачи? Афсуски, ҳаётда ана шундай касалликлар ҳам бор. Бундай беморлар дардига малҳам бўлиб, кўзларига нур бағишлашни бахт деб билаётган меҳнат жамоаси бор, шаҳримизда. Бу Тошкент вилоят кўз касалликлари шифохонасидир. Шифохона меҳнат жамоасига тажрибали шифокор Акром Исматов раҳбарлик қилиб келаётир.

— Шифокорларимизнинг деярли ҳаммаси Санкт-Петербургдаги машҳур Фёдоров шифохонасида бўлиб, касб сирларини ўрганиб келишган,— дейди бош шифокор биз билан суҳбатда.— Айни пайтда уларнинг касб сирларини яхши билишлиги, фидойиликлари туфайли глаукома, кўз катарактаси билан оғриган беморлар операция қилиниб, 2—3 кунда тузалиб кетишаётир. Шунингдек, бизда лойқаланган кўз гавҳарини олиб ташлаб, ўрнига сунъий гавҳар қўйиш операциялари ҳам бажарилмоқда.

Шифохонада беморларнинг тўлиқ шифо топишлари учун барча шароитлар етарли. Замонавий асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилган. Шифокор Ўлмасхон Ҳакимова хонаси доимо беморлар билан гавжум. Бу тажрибали шифокор ёрдамида беморлар кўзларига контакт линзалар қўйдириб кетмоқдалар ва кўриш нервларини электростимуляция ёрдамида даволамоқдалар. Бу эса айни пайтдаги энг самарали даволаниш усулидир.

Биз бу ерда даволанаётган беморлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Ёшим 63 да,— деди ўзини Александра Ивановна Попова деб таништирган аёл.— Келганимда атрофдаги нарсаларни тира-шира кўрар эдим. Бу ердаги шифокорлар, айниқса Мавзура Бековадан беҳад миннатдорман. У киши қўли енгил врач, мени астойдил даволади.

Бу шифохонада, шунингдек, чақирув ёшидаги ноёблом ўсмирлар ҳам даволанадилар. Уларнинг кўпчилиги маълум муддат шифохона муолажаларини олгач, армияда хизмат қилиш учун жўнаб кетмоқдалар.

— Вилоятимизнинг ҳамма туманлари ҳам кўз касалликлари бўйича мутахассислар билан тўлиқ таъминланган деб бўлмайди,— дейди шифокор Тўрабек Солиев.— Шу туфайли кўз касаллиги аниқланган чақирув ёшидаги ўсмирлар даволаниш, аниқ ташхис қўйиш учун бизга келадилар. Уларда қандай касаллик аломати борлигини аниқлаб, керак бўлса даволаймиз ёки хизмат учун яроқсиз бўлса, уни тасдиқлаб берамиз. Мен оилаларида ўғил фарзанд ўстираётган ота-оналарга шундай дейман:

— Азизлар, оилангизда ўғил туғилдими, демак уни Ватанни қўриқлашга яроқли қилиб тарбиялаш сизнинг бурчингиз. Буни унутманг! Фарзандингиз ҳали гўдак пайтидаёқ кўриш қобилиятига эътибор беринг. Зеро, касални даволашдан кўра олдини олган афзал. Болангизда касаллик аломатини сезсангиз, дарҳол шифокорга олиб келиб даволатинг. Токи эртага йигит бўлиб, мудофаа ишлари бўлимига борганида касаллиги туфайли хизматга бора олмай ўксиб қолмасин. Шифокорлар хизматингизга доимо тайёр.

Муборак МИРКАМОЛОВА.

Суратда: **тажрибали шифокор Мавзура БЕКОВА.**

Н. ЮСУПОВ олган сурат.

● СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

БИЗ БИЛГАН „ШУМ БОЛА“

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, «ОФАРИН» МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ ХАЙРУЛЛО САЪДИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Агар хотирам алдамаса, мен «Шум бола»ни бундан ўттиз, ўттиз беш йиллар илгари кўрганман. Ўшанда ёш бола эдим. Қаерда кўргансан дейсизми? Қаерда бўларди, телевизорда-да. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си телеэкранда намойиш этила бошлаганди. «Шум бола» ролида — Хайрулло Саъдиев.

Кейинчалик «Шум бола» қиссасини ўқиганман. Кўз олдимда «Шум бола» қиёфасида Хайрулло Саъдиев пайдо бўлган. Менинг жўраларим ҳам шу ҳолатни бошидан кечиришган. Биз Хайрулло Саъдиев деганда «Шум бола»ни, «Шум бола» деганда Хайрулло Саъдиевни билардик. Ростини айтсам, Хайрулло ака ҳамон бизнинг «Шум бола»миз.

— **Хайрулло ака, қандай қилиб артист бўлганлигингиз ҳақида гапириб берсангиз?**

— Мен сизга олдин артист деган сўзнинг маъносини айтиб берсам, ё ўзингиз биласизми?

— **Менимча, саҳна билан боғлиқ сўз бўлса керак-ов.**

— Жавобингизда жон бор-у, лекин... Артист французчада билимдон деган маънони билдиради.

Энди қандай қилиб артист бўлганлигим тўғрисига келсак, биз укам Едгор билан отадан эрта ажралганмиз. Онам бизни катта қилган, тарбиялаган. Онамлар мени бўҳгалтер бўлишимни хоҳлар эдилар, мени эса саҳна ўзига тортарди. Мактабни тугатгач, Халқ хўжалиги институтига ҳужжатларимни топшириб, кириш имтиҳонларидан ўтганман, бироқ онамларга йиқилдим деганман. Амакиваччам Лутфулла билан тошкентлик бўла туриб, театр институтини уч кун излаганмиз ва ниҳоят топганмиз. Биринчи уринишда киролмаганман. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишладим. Кейин яна ҳаракат қилдим. Ҳаракатда — баракат экан. Қарабсизки, аканг қарағай, театр институти талабаси бўлди. Талабалик йилларимдан бошлаб, Ҳамза театри саҳнасида роллар ижро эта бошлаганман.

— **Ундай бўлса, нега кейинчалик ҳаётингизни Ҳамза театри билан боғламадингиз?**

— Саҳна илмининг билимдони Тошхўжа Хўжаев деган устозимиз бор эди. У киши бир сафар менга шундай деганлар: «Йигит, сиз асли ёш томошабинлар театрига моссиз. Адашманг!» Ўшанда ўзимни осмонда чоғлаб юрар эдим. Бу гапларидан ҳафа ҳам бўлдим. Обдон ўйлаб қарасам, беҳуда хафа бўлган эканман, устоз ҳақ гапни айтган эканлар. Ўзимни болалар театрига бағишладим. Бугун бундан беҳад мамнунман.

Ўшанда Тошхўжа Хўжаев менинг ҳаётим учун яна бир муҳим гапни, ростини айтсам, башоратни айтган эдилар: «Хайрулло, сиз Раънохонга уйланасиз». Раънохон билан курсдош эдик-у, лекин унчалик яқин эмасдик. Кейинчалик, буни қаранг, устознинг башоратлари яна тўғри чиқди. Раънохон билан бир ёстиққа бош қўйдик. Раҳматлининг умри қисқа экан, биз бор-йўғи саккиз йил бирга турмуш кечирдик.

— **Хайрулло ака, мен тенгиларнинг, бутун бир авлоднинг «Шум бола»си Сиз...**

— Нимани сўрамоқчи бўлаётганлигингизни тушундим. «Шум бола»нинг машҳур бўлиб кетишида саҳна талқинида, албатта, Ганжа Ёқубовнинг хизматлари катта. «Шум бола»ни шу киши биринчи бўлиб телеэкранга олиб чиққанлар. Шундан буён мен Хайрулло эмас, «Шум бола»ман. Бунга-ям қаранг-а, ўттиз йилдан ошибди.

— **Хайрулло ака, Сиз халқ артистисиз, республикамиздаги каттаю кичик Сизни яхши билади. Ижро этган ролларингиз орқали томошабинлар қалбидан жой олгансиз. Лекин бизни ҳаётдаги оддий Хайрулло ака қизиқтиради.**

— Ижозат берсангиз, гапни бир афсона айтиш билан бошласам, қаердадир ўқиганим ёки кимдандир эшитганим бор.

Қадимда бир саркарда қўшни диёрларни босиб олиш учун ўз айғоқчиларини ҳар томонга жўнатибди. Жўнатар экан, шундай деб тайинлабди: «У ернинг халқига бориб разм солинганлар, қаранглар-ки, улар ўз аёлларига қандай муносабатда экан». Айғоқчилар изғиб кетишибди.

— Эй саркори олам, — дебди биринчиси, — мен у ерларда бўлдим. Лекин бирорта аёлга яқинлаша олмадим. Чунки у аёлнинг атрофида доим ё отаси, ё эри, ё ака-укалари, ё қариндош-уруғлари гавжумки, уларнинг бирортасига яқинлашишга, гапиришга ҳаддим сиғмади. Шунда иккинчи айғоқчи сўз сўрабди:

— Эй қирон келтирувчи саркарда, мен борган жойда жуда бемалолчилик экан. Аёлларнинг етмиш фоизи кўча-кўйда, очиқ-сочиқ, бироз билан бировнинг иши йўқ. Гап отсангиз, кулиб қарашади. Бундан на эрларнинг, на ака-укаларнинг ғаши келар экан, — дебди. Шунда саркарда айтган эканки: «Биз босиб олиш учун иккинчи мамлакатни, ўз аёлларини хор қилиб, эътиборсиз ташлаб қўйган, аёлларни қизғанмайдиган, аёлларга ор-номус деб қарамайдиган, аёллар учун жонини тикмайдиган одамлар яшайдиган юртга бостириб борамиз.

Аксинча, оналари, аёллари ор-номусини ўз ор-номуси деб қарайдиган юртда бизга бир қарич ҳам ер тегмайди. Агар биз ўз аёлларини қизғанмайдиган юртга борсак, улар ўз Ватанларини ҳам, ерларини ҳам, ор-номусларини ҳам қизғанмайдилар».

Бу бир афсона. Аммо чуқур маънога эга афсона. Мен аёлларини бошига кўтариб юрадиган халқ фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Келинойингизни уринтирмайман, ҳамиша бозор-ўчарни ўзим қиламан. Унча-мунча пазандалик ҳам қўлимдан келади. Вақтингиз бўлса ош дамлаб бераман.

— **Ошдан қочиш йўқ. Айтинг-чи, ўзингиз қайси таомни хуш кўрасиз?**

— Болалигимда онам қовурган картошкани мазза қилиб ердим. Ҳамон қовурилган картошка жонидилим.

— **Сизни галстук тақкан, костюм-шим кийган ҳолатда кам кўраман...**

— Бу масалада укам Едгордан ҳам тез-тез дашном эшитиб тураман. «Ёшингизга муносиб кийининг»,— дейди. Ёшимга нима қипти. Энди олтмишга кирдим, ҳолос. Спорт кийимлари менга ёқади.

— **Одамлардаги қайси хусусият Сизга кўпроқ маъқул келади?**

— Самимийлик, очиқ кўнгиллик.

— **Ёқмайдиган томонлари?**

— Иккиюзламачилик.

— **Ватанпарварлик деганда нимани тушунасиз?**

— Энг аввало онага муҳаббатни. Мен сизга айтсам, атрофидаги одамларга меҳрибон одам—ватанпарвар. Ўз касбини мукаммал эгаллаган ва ҳалол бажарадиган одам ҳам — ватанпарвар.

Мана бизнинг касбни олайлик. Бизлар ўзимиз ижро этаётган роллар билан кишиларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат уйғотамиз. Бир сўз билан айтганда, маънавий етук одамларни тарбиялашда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Бир нарсани яхши билинг, маънан етук одамни енгиб бўлмайди. Бизнинг Ватанимиз посбонлари маънан етук посбонлар. Шу маънода Батан ҳимоясига бизлар ҳам дахлдор одамларміз.

Мен аскарлар ва офицерлар театрни жуда яхши кўришларидан хабардорман.

Ҳа, бугун биз билган «Шум бола» — Хайрулло Саъдиев олтмиш ёшдан ошдилар. Лекин ҳамон ўша — бизнинг — «Шум бола».

Замонанинг зайли шу,
Йиллар ўтиб кетади.
Ортга боқсанг, ортингдан
Кунлар таъқиб этади.
Ялангоёқ бўз бола
Ёлғиз кетар қаёққа?
Минг битта саргузашти,
Саҳна турар оёққа.
Шум болани билмаган,
Тушунмаган йўқ ҳали.
Ўша етим боланинг
Кулган бугун иқболи.
Саҳнада ғирт ёлғончи,
Тенгсиз доно бўлибди.
Умр карвон, «Шум бола».
Олтмиш ёшга тўлибди.
Олтмиш нима —
йигит ёш,
Саҳнада бир зум бола.
Ҳамон ўша қиёфа,
Ўша бизнинг
«Шум бола».

Майор Абдураззоқ ОБРУЕВ суҳбатлашди.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИ ҳамкорлик муносабатларида алдов, яқинлар билан алоқада эса жанжал кутаётир. Бу даврда раҳбарият билан учрашувдан қочинг. Ҳасадгўйининг ниёвси кутилмаганда таъсир этиши мумкин. Ҳеч қандай қарор қабул қилмасдан сабр қилсангиз, вазият яхши томонга ўзгаради. Душанба, чоршанба — омадли.

ҚОВҒА ҳафтани касбий фаолиятдаги муаммоларни ҳал этишга бағишланг. Янги иш илинжидаги изланиш самара бермаслиги мумкин. Севимли кишингиз билан жанжалли вазият кутилаётир. Сешанба, пайшанбада муваффақият йўлдош.

БАЛИҚ раҳбариятнинг таңқидидан қочиш учун кўзидан панарокда юринг. Негаки раҳбарият билан муносабатларни кескинлаштириш режаларингизга ҳалал бериши мумкин. Эркакларни ишқий саргузаштга олиб келадиган танишув кутмоқда. Жума ва якшанба омад сиз билан.

ҚЎЙ бизнес билан шуғулланаётганлар муҳим тадбиркорлик ишларини муайян муддатга кечиктиргани маъқул. Давлат хизматидагилар даромаднинг янги манбаини излашга тушади. Қолаверса, молиявий аҳволини қайта кўриб чиқишади. Акс ҳолда моддий фаровонлигингизга дахл қилиниши мумкин. Чоршанба ва пайшанбада омад ёр.

БУЗОҚ ҳафта кўнгилсизликлардан бўлак нарсани ваъда қилмаяпти. Бизнесменлар, тижоратнинг исталган тури билан шуғулланувчилар ҳамкорлари билан алоқаларда қийинчиликка учрашади. Бу давлат хизматидагиларга ҳам тааллуқли. Ишда жанжал рўй бермаслиги учун ҳис-ҳаяжонингизни жиловланг. Сешанба, чоршанбада муваффақият йўлдошингиз.

ЭГИЗАКЛАР ҳафта давомида ҳужжатлар, моддий бойликлар, керакли қоғозлар билан ишлашда ҳушёрроқ бўлинг. Давлат хизматидагиларнинг жамоада ишлашни хоҳламаслиги, бетгачопарлиги турли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Душанба ва жумада омад юлдузингиз балқиши кутилаётир.

ҚИСҚИЧБАҚА касбий фаолиятни янада шакллантириш, ижодий изланиш бобида ҳафта қулай. Тижоратчиларни сафар, учрашув ва бизнесни кенгайтириш борасидаги янги иш кутаётир. Шундай бўлса-да, мунажжимлар эҳтиёткорроқ бўлишни маслаҳат қилишмоқда. Чунки омад исталган пайтда сиздан юз ўгириши мумкин. Пайшанба, жума омадли лаҳзаларни туҳфа этади.

АРСЛОН ҳафта давомида муваффақият сизга ҳамроҳ. Янги бошлаган барча ишларингиз омадли кечади. Иирик битим имзолаш, музокаралар ўрнатиш, янги ҳамкорлар излаш бобида ҳам ҳафта қулай. Айниқса, чоршанба ва пайшанбада энг омадли дақиқаларни кутаверинг.

ПАРИЗОД атрофдагиларнинг кўмаги туфайли жамиятда муваффақиятга эришишингиз мумкин. Мартабангиз ортиб, ҳамкасблар ва дўстлар билан муносабатлар яхшиланади. Ҳафта касбий фаолият доирасидаги, ижодий изланиш бобидаги ишларга қулай. Сафар, учрашув ва фаолиятни кенгайтириш билан боғлиқ ишлар самара беради. Сешанба, чоршанба, жумада муваффақият кафолатланган.

ТАРОЗУ учун ҳафта қийинчилик ва муаммоларга бой. Ҳасадгўй кимсанинг тарқатган бўҳтонлари мақсад сари боришингизга ҳалал беради. Ҳис-ҳаяжонга ҳаддан зиёд берилиш молиявий йўқотишга олиб келиши ҳам мумкин. Эҳтиётсизлик ёки енгил-елпи фикрлаш таъқибларга сизни нишон қилади. Чоршанба омадли лаҳзаларни ваъда қилмоқда.

ЧАЁНга мунажжимлар ишбилармонлик ва дўстона муносабатларни тиклашни тавсия қилишмоқда. Шунингдек, ишда олдингизга глобал вазифалар қўйманг. Чунки сизни алдов, кўнгилсизлик кутаётир. Эски танишлар ва янги кишилар билан бўлажак кутилмаган учрашувга ҳозирлик кўринг. Чоршанба ва жума омадли кунлар.

ЎҚОТАР ишбилармонлик бобида ҳафта фойдали истиқболни очади. Ташкилотчилик қобилиятингиз ва вақтни ақл билан тақсимлай олишингиз иш самарасига таъсир этади. Кўчмас мулк, қурилиш билан боғлиқ тижорат ишларингиз омадли кечади. Шахсий ҳаётда ҳам ҳафта бирмунча муваффақиятли. Чоршанбада эса омад кафолатланган.

Дам олиш масканлари мавсумга шайми?

Баҳорнинг ифорли кунлари тугаб, ёзнинг жазирама ойлари бошланиш арафасида турибди. Ёз, айниқса болажонларга шодлик, қувонч олиб келади. Сабаби, улар она-мактаб қучоғидан дам олиш оромгоҳларига, табиат бағрига йўл оладилар. Хўш, Мудофаа вазирлигига қарашли болалар дам олиш ва даволаниш масканлари мавсумга шайми? Шу савол билан Мудофаа вазирлиги маданий-маърифий ишлар хизмати бошлиғининг ўринбосари майор Мақсуд АБИЛОВГА мурожаат этдик.

— Тошкент вилояти Хондайлик посёлкасидаги «Тонг», Самарқанд вилояти Омонқўтон посёлкасидаги Ё. Турсунов номидаги болалар дам олиш ва соғломлаштириш масканларида Мудофаа вазирининг «Болалар дам олиш ва даволаниш масканларини ташкил этиш» тўғрисидаги буйруғига мувофиқ катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Аввало, дам олиш ва даволаниш масканларини таъмирлашга, уларни замонавий жиҳозлар, янги русумдаги телевизор ва магнитофонлар, спорт анжомлари, ошхона жиҳозлари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Конструкцион ўйинлар, дендилар ва яна ҳар хил замонавий ўйин жиҳозлари ҳам сотиб олинди. Қисқача айтганда, болажонларга қулай шарт-шароит яратиш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди.

Иккинчидан, турли экскурсиялар уюштириш, маданий дам олишни йўлга қўйиш мақсадида ташкилотлар билан шартномалар тузилди.

Учинчидан, энг асосий масала — мутахассислар танлашга жиддий эътибор қаратилди. Дам олиш масканларида мусиқа, рақс, моҳир қўллар, спорт, тасвирий санъат каби тўгаракларда болалар фаолият юргизиши кўзда тутилган. Табиийки, бундай тўгаракларда болалар билан ишлаш учун жуда маҳоратли мутахассислар керак бўлади. Шунинг учун ҳам маълумоти, дунёқараши ва тарбиясига қараб мутахассислар танланмоқда. Бунда бизга халқ таълими бошқармаси ходимлари катта ёрдам беришаяпти.

Дам олиш масканларига ҳарбийларнинг етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган фарзандлари қабул қилинади. Шунингдек, Қуролли Кучлар хизматчиларининг фарзандлари ҳам касаба уюшмалари йўлланмалари билан дам олиш масканларига боришлари мумкин. Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар дам олиш ва даволаниш масканида асосан Тошкент, Чирчиқ, Нукус гарнизонларида хизмат қилувчиларнинг болалари дам олишади.

Ё. Турсунов номидаги оромгоҳга эса асосан Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах, Сирдарё, Бухоро гарнизонларида хизмат қилувчиларнинг болалари қабул қилинади.

— **Кечирасиз, шу ўринда савол туғилади. Бошқа гарнизонлардаги ҳарбийларнинг, Қуролли Кучлар хизматчиларининг болалари ёзги таътилда қаерларда дам олишади?**

— Бу масала ҳам бизда ижобий ҳал қилинган. Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, ҳудудида болалар дам олиш масканлари бўлмаган гарнизонларда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари рухсати билан бошқа вазирлик ва ташкилотларга қарашли дам олиш масканларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Бунда йўлланманинг 10 фоиз миқдордаги нархи тўланади.

— **Демак, дам олиш масканлари болажонларни ўз бағрига олиши учун ҳамма шароитлар муҳайё. Шундайми?**

— Албатта. Келажагимиз бўлган болажонлар билан ўша баҳаво оромгоҳларда, хушчақчақ кайфиятда учрашишга умид боғлаймиз.

— **Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат!**

«Ватанпарвар» мухбири Д. КЎЧКИНОВА суҳбатлашди.

ФЕСТИВАЛЬ ТЕАТРАЛЬНОГО ИСКУССТВА

В Андижане начался традиционный международный фестиваль театрального искусства «Андижанская весна-2001». Нынешний праздник театра посвящен 10-летию независимости нашей Родины и Году матери и ребенка.

В фестивале принимают участие казахские театры драмы Чимкентской и Джетысайской областей Республики Казахстан, а также киргизский и узбекский драматические театры Ошской области Республики Кыргызстан. Также на фестиваль прибыла группа известных артистов из Республики Башкортостан.

(УзА).

ҚЎНҒИРОҚНИНГ СЎНГГИ САДОСИ

(Боши 1-бетда)

қолган устозлар, ўқувчилар, дўстлар билан хайрлашиш осон эмас. Сўзга чиқувчиларга қараб, уларнинг ҳаяжонланаётганларини яққол сезиш мумкин эди. Лицей директори, педагог-ўқитувчилар — Бахтиёр Мирзаев, Ҳуррият Аъзамова, захирадаги тарбиячи офицерлар—катта лейтенант Шуҳрат Қорабоев, лейтенант Одилжон Қултўраев, 10-синф ўқувчиси Шерзод Бердиев, ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийларининг нутқлари ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Нотиқлар лицейни муваффақият билан тамомлаган битирувчиларни чин кўнгилдан табриклаб, уларга эзгу тилаклар билдиришди. Ватан посбони бўлишдек орзулари амалга ошишига ишонч билдиришди.

Лицей битирувчилари номидан Шерзод Муҳамедов, Зафар Эгамбердиев каби аълочи ўқувчилар сўзга чиқиб, ўқитувчиларга, офицерларга берган билимлари, тарбиялари учун миннатдорчилик билдиришди, улар ишончини оқлашга, севимли маскан шаънига асло гард юқтирмасликка сўз беришди. Барча ўқитувчилар ва офицерларга гулдасталар тақдим этилди.

Аълочи битирувчиларга, ўқувчиларга тантанали равишда «Фахрий ёрлиқ»лар топширилгандан сўнг қўнғироқ садолари янгради. Орзуларга эш бўлиб, эрта-индин олий ҳарбий билим юртларига отланадиган битирувчилар сўнгги бор лицей саф майдонидан шахдам қадамлар билан юриб ўтдилар.

Ҳа, бу тонг ўзгача, бу кун ўзгача. Бу ажойиб тилаклар, қўнғироқнинг сўнгги садолари битирувчилар, устозлар қалбида, юрагида умрбод муҳрланиб қолди.

Капитан А. УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

АСКАР ХАНДАЛАРИ

ҲАРОРАТ ЎЛЧОВИ

Бир ҳафта олдин ҳарорати «чиқиб», навбатчиликдан қолган аскар бу сафар ҳам ўзини ёлғондакам касалликка солди. Командир хавотирланиб, пешонасини ушлаганда эса овозини пасайтириб умид билан сўради.

— Ҳароратим баландми, ўртоқ командир?

— Ҳа, жуда баланд, — дея командир аскарга тикилди. — Тахминан ошхона ва казарма навбатчилиги орасида.

СЎНГГИ МОДЕЛЬ

Оддий аскар Смитга картошка тозалашни буюришди. Шунда у ўзича норозилик билдириб:

— Космос асрида армияда аллақачон картошка тозалайдиган машина бўлиши керак эди, — деди.

Буйруқ берган сержант ҳам унинг гапини тасдиқлади.

— Ҳа, албатта, сен ўша машинанинг сўнгги модели ҳисобланасан, ука.

Б. МАДРАҲИМОВ тайёрлади.

СКАНДИНАВИЯ БОШҚОТИРМАСИ



Скандинавия бошқотирмасини Акрамжон ҲЎЖАМОВ тузган.

Турфа олам

БОБОЛАР ДАВРИГА ҚАЙТИШ

Модапараст япон ёшлари сўнгги вақтларда ўз дидига мос кийим-кечак топиш учун мозийга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Маълумки, замонавий мода оламига бундан 50—60 йиллар илгари урф бўлган услубда тикилган кийим-кечаклар шиддат билан кириб келяпти. Шу сабабли япон ёшлари энг сўнгги модада кийинишни истаб, бувию боболари даври кийимларини излаб қолди.

ЯНГИ АСР МАДҲИЯСИ

XXI асрнинг севги мадҳияси қандай бўлиши керак? Польшанинг Люблин шаҳри фуқаролари шундай асарни яратиш устида ўйланмоқда. Шаҳар марказий майдонида махсус ёзув тахтаси ўрнатилган бўлиб, хоҳлаган киши унда ўзининг муҳаббатни мадҳ этувчи сатрини ёки бутун бир шеърини ёзиб қўйиши мумкин.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

ГАЗЕТАНИНГ 60-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЕИЛАР БЎИИЧА МАРКАЗ ТОМОН ЎНГГА: 1. Патрон. 2. Парвин. 3. Пардоз. 4. Пешноп. 5. Партов. 6. Пўлкан. 7. Прокат. 8. Пайров. 9. Пўстин. 10. Паргар. 11. Пушкин.

ЕИЛАР БЎИИЧА МАРКАЗ ТОМОН ЧАПГА: 1. Пашмак. 2. Патнис. 3. Перрон. 4. Пархиш. 5. Пештоқ. 6. Парвоз. 7. Полвон. 8. Пропан. 9. Пайкал. 10. Пистон. 11. Парфия.

● ТУҲФА

БЎЛАДИГАН БОЛА

Ҳарбий шаҳарчада яшаётган болаларнинг ўз дунёси бўлади. Қарашлари, ўйҳаёли, сўзи, қилиғида, ҳатто ҳаракатларида ҳам шу соҳа ҳаётига хос жиҳатларни кўриш мумкин. Дейлик ўйинларида, айтган қўшиқларида.

Яқинда Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисмда бўлдим. Ватан мудофааси йўлида хизмат қилаётган айрим офицерларнинг фарзандлари шеър ёзишини эшитиб, хурсанд бўлдим. 4-синф ўқувчиси 11 ёшли Баҳодир Раҳмоновнинг шеърлари мени қувонтирди. Бўладиган бола экан.

У ўз фикрига эга эканлиги, нимадир дейишга интилаётгани сезилиб турибди. Тўғри, у шеър техникасидан ҳали унчалик хабардор эмас. Бироқ мустақил юрт боласининг мустақил фикрга эгалиги суюнарли ҳол. Баҳодирнинг машқларини бир оз таҳлил қилган ҳолда сизга тақдим этаяпман. Келинг, яхшиси унинг шеърларини ўзингиз бир ўқиб кўринг-а. Мен эса Баҳодиржонга шеъриятнинг саодатли манзилларини тилаб қоламан.

Дилором ИСМОИЛОВА, шоира.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Мустақил юртимнинг
ёш ўғлониман,
Тинчлигин сақловчи
зўр қалқониман.
Яшнаётган ҳар бир
чаман-бўстонни,
Ҳеч кимга бермаймиз,
Ўзбекистонни.
Юрагимда меҳри,
кўзимда чўғи,
Юксакда ҳилпираб
туради туғи.
Кўксимизда макон
этган имонни,
Ҳеч кимга бермаймиз,
Ўзбекистонни.

ОНАМГА

Онажоним меҳрли,
Сўзи гўё сеҳрли.
Меҳрим шеърда муҳрли,
Ўқиб хурсанд бўлсинлар.
Она расмин чизайлик,
Гуллар билан безайлик
Яхшиликлар қилайлик
Кўриб хурсанд бўлсинлар.

ҲУМО ҚУШИ

Ҳумо қуш-ей, ҳумо қуш,
Бир пасгина пастга туш.
Қулоғингга гапим бор,
Кафтларимга қўниб ол.

Камалакдай товланган,
Оқ патларинг чиройли.
Элимизга бахт келтир,
Доим кулиб юрайлик.

Баҳодир РАҲМОНОВ.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУҚАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0235.